

**“O`ZSUVTA`MINOT”
AKSIYADORLIK JAMIYATI
“NAVOIY SUV TA`MINOTI”
MCHJ**

210100, Navoiy viloyati, Navoiy shahri,
Amir Temur ko'chasi 4-uy
Tel / fax 79 223 61 41 / 79 223 83 43
uzsuvnavoiy@umail.uz / uzsuvnavoiy@exat.uz



**“UZSUVTA`MINOT”
JOINT STOCK COMPANY
“NAVOIY SUV TA`MINOTI”
LLC**

210100, Navoi region, Navoi city,
Amir Temur street 4 apt.
Tel / fax 79 223 61 41 / 79 223 83 43
uzsuvnavoiy@umail.uz / uzsuvnavoiy@exat.uz

05.01.2022 № 1. UB.

“Навоий сув таъминоти” Масъулияти чекланган жамиятининг Конимех туман бўлимини бошқариш учун
БОШ ИШОНЧНОМА № 1 UB.

“Навоий сув таъминоти” Масъулияти чекланган жамияти Конимех туман бўлими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5883-сонли Фармони, “Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги”ги ПҚ-4536-Қарори, “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 47,134,138,139,140,144-моддаларига амал қилиб, Жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 10-ноябрдаги 4-сонли қарори асосида тасдиқланган “Навоий сув таъминоти” Масъулияти чекланган жамияти Уствига асосан ишлаб чиқилган.

Ушбу Бош ишончнома “Навоий сув таъминоти” Масъулияти чекланган жамиятининг Конимех туман бўлими бошлиғи Камолов Очил Ҳамидовичга - Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Жамиятнинг Устави, ижро этувчи органнинг қарорлари (МЧЖ) ва бошқа норматив-меъёрий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажариши учун барча давлат, нодавлат суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар олдида “Навоий сув таъминоти” МЧЖ вакили сифатида Конимех туман бўлими номидан иш кўриш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, Уставда кўрсатилган вазифаларни ва юридик аҳамиятга эга бўлган шартномалар, яъни ичимлик суви етказиб бериш бўйича жисмоний ва юридик шахслар билан шартномаларни тузиш, имзолаш, муҳрлаш, ушбу шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш, судларда процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва судларга топшириладиган даъво аризалари, аризалар, апелляция, кассация тартибида ёзиладиган шикоятларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат, нодавлат ташкилотларига ёзиладиган хатларни имзолаш, эътирозлар ва фикрномаларини билдириш, суд жараёнида даъвогар, жавобгар вакили сифатида мазкур Бош ишончнома билан қатнашиш, ундирилган мол-мулк ёки пул маблағларини олишда амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатлар асосида белгиланган тартибда расмийлаштириш ваколатини беради.

Жамият директори билан келишилган ҳолда даъво мазмуни, микдорини ўзгартириш, келишув битимини тузиш, зарур ҳолларда иккинчи шахс (ўз вакили)га Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 140-моддаси талаби доирасида белгиланган тартибда ишончнома расмийлаштириб бериш ҳамда ўз ваколати доирасида мулквий моддий жавобгарни олиб бориш, бўлимда фаолият юритаётган бўлинмалар фаолиятини назорат қилиш, фаолиятга доир ойлик, чораклик ва йиллик маълумотлар ва ҳисоботларини олиш, Шунингдек, вакил- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 134,139 моддалари, Фуқаролик процессуал кодексининг 69-моддаси, Иқтисодий процессуал кодексининг 63-моддаси ва Жиноят процессуал кодексининг 61-моддасига биноан барча ваколатлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

Ишончноманинг амал қилиш муддати тугаган кундан бошлаб ҳақиқий ҳисобланмайди ҳамда бекор бўлганидан кейин ёки муддати тугаганда ишончнома олган шахс дарҳол ишончнома берган жамият раҳбариятига қайтариб бериши шарт.

“Навоий сув таъминоти” МЧЖ директори рухсатсиз жамият ва бўлим номидан учинчи шахслар мажбуриятларини тўлаб беришга кафил бўлиш, бўлимга тегишли мол-мулкларни гаровга қуйиш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳамда асосий воситаларни ижарага бериш, сотиб олиш ёки сотиб юбориш, шунингдек мулкни жамият фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш Камолов Очил Ҳамидовичнинг ваколати доирасига кирмайди ва таъқиқланади.

Ушбу бош ишончнома 2022 йил 5 январдан 2022 йил 31 декабргача ҳақиқий ҳисобланади.

“Навоий сув таъминоти”
МЧЖ директори

А.Х.Ҳамроев